

Kelajakdagi tadqiqotlar turizm oqimlari va iste'mol bozori ko'rsatkichlari o'rtasidagi munosabatlarni miqdoriy ekonometrik modellashtirishga, shuningdek, mikromintaqaviy darajada klaster samaradorligini baholashga qaratilishi kerak. Bundan tashqari, keyingi tadqiqotlar O'zbekistonning turizm klasterlarini xalqaro iqtisodiy tizimga integratsiyalashda raqamli platformalar va global qiymat zanjirlarining rolini o'rganishi mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Porter M. E. The Competitive Advantage of Nations. New York: Free Press, 1990. 855 p.
2. UN Tourism. Tourism and Rural Development. Madrid: UN Tourism, 2024. – URL: <https://www.unwto.org/tourism-and-rural-development>
3. World Bank. Tourism. Washington, DC: World Bank Group, 2026. – URL: <https://www.worldbank.org/ext/en/topic/tourism>
4. OECD. Tourism Trends and Policies 2024. Paris: OECD Publishing, 2024. – URL: <https://www.oecd.org/en/publications/oecd-tourism-trends-and-policies-2024/80885d8b-en.html>

Гуландом УМАРОВА,
Ўзбекистон халқаро ислмушнослик академияси,
«Ислму иқтисодиёти ва молияси, зиёрат туризми»
кафедраси доценти в.б., PhD,
Шахло МАКСУДОВА,
Ўзбекистон халқаро ислмушнослик академияси талабаси

ЖАҲОН ТУРИЗМ БОЗОРИ АҲОЛИ САМАРАЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Аннотация. Ушбу мақолада жаҳон туризм индустриясининг ривожланиши динамикаси, соҳанинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга таъсири ва бандлик бозоридаги ўрни таҳлил қилинган. Туризмнинг мультипликатив самараси, кадрлар тайёрлаш тизимига қўйиладиган замонавий талаблар ҳамда соҳанинг инқирозларга чидамлилиқ хусусияти статистик маълумотлар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: туризм индустрияси, бандлик, глобаллашув, мультипликатив самара, иқтисодий ўсиш, кадрлар салоҳияти, меҳнат бозори.

Аннотация. В данной статье анализируются динамика развития мировой индустрии туризма, влияние сектора на социально-экономические показатели и его роль на рынке труда. На основе статистических данных освещаются мультипликативный эффект туризма, современные требования к системе подготовки кадров, а также устойчивость отрасли к кризисным ситуациям.

Ключевые слова: индустрия туризма, занятость, глобализация, мультипликативный эффект, экономический рост, кадровый потенциал, рынок труда.

Abstract. This article analyzes the development dynamics of the global tourism industry, the sector's impact on socio-economic indicators, and its role in the labor market. Based on statistical

data, it highlights the multiplicative effect of tourism, modern requirements for the personnel training system, and the industry's resilience to crises.

Keywords: *tourism industry, employment, globalization, multiplicative effect, economic growth, personnel potential, labor market.*

Туризм индустрияси улкан суръатлар билан ўсиб бормоқда. Туризмнинг ўсишига нафақат дунёдаги, балки муайян бир мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий вазиятга ҳам катта таъсир кўрсатади. Бўш вақт ва молиявий имкониятларнинг пайдо бўлиши, шунингдек, ахборот технологиялари билан боғлиқ шахсий эҳтиёжларнинг ривожланиши туфайли одамлар саёҳат қилиш учун тобора кўпроқ имкониятларга эга бўлмоқдалар. 2016 йилда туристик ташрифлар сони 1235 миллионни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб бу кўрсаткич 1500 миллионга етган ва ўсиш 21,4 фоизни ташкил этган. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 2019-йилга нисбатан 3% га ошган¹¹⁰.

Туризм индустрияси ривожланишига таъсир этувчи бир қанча омиллар мавжуд бўлиб, энг муҳимлари сифатида қуйдагиларни демография, глобаллашув, шаҳар аҳолисининг ўсиши, халқаро меҳнат бозорига интеграциялашув, мобиллик (ҳаракатчанлик), банд бўлган ходимларнинг сифати, бандлик соҳасидаги давлат сиёсати, солиқ тизими ва меҳнатга лаёқатли аҳоли сонини киритиш мумкин.

Дунёнинг турли мамлакатларида туризм соҳасидаги бандлик бир-биридан сезиларли даражада фарқ қилади, бу кўплаб омилларга, биринчи навбатда, муайян мамлакатнинг ЯИМга қўшган ҳиссасига ва туристик ташрифлар сонига боғлиқдир. Дунё давлатларида бандликнинг энг юқори ўсиши БАА (Бирлашган Араб Амирликлари)га тўғри келади – 245%. Бир қатор бошқа мамлакатларда жумладан, Грузия – 119,5%, Вьетнам – 104,8%, Испания – 104,5%, Италияда эса – 100,8% ни ташкил этади.

Дунёда туризм соҳасида банд бўлган деярли ҳар олти кишидан бири чет эл фуқароси ҳисобланади. Ўртача ҳисобда туризмдаги ишчи кучининг 16 фоизи чет эл фуқаролари ҳиссасига тўғри келади. Умумий номолиявий иқтисодиёт билан солиштирганда, туризмда вақтинчалик иш топиш имконияти анча юқори банд бўлганларнинг 23 фоизига нисбатан 14 фоиз. Грецияда бу кўрсаткич 45 фоизни ташкил этади. Кипр, Греция, Болгария каби мамлакатларда эса туризмдаги вақтинчалик ходимлар улуши умумий номолиявий иқтисодиётдагига қараганда уч-тўрт баравар юқорирокни ташкил этади.

Туристлик фаоллик юқори бўлган ҳудудларда, одатда, ишсизлик даражаси пастроқ бўлади. Туризм юқори даражада ривожланган аксарият минтақаларда ишсизлик даражаси мамлакатдаги ўртача кўрсаткичдан пастдир. Шунингдек, туризм иқтисодиётнинг ёш ишчи кучини энг фаол жалб қиладиган тармоғи ҳисобланади. Ирландия, Нидерландия, Дания ва Буюк Британия каби мамлакатларда туризмда банд бўлган аҳолининг 15 ёшдан 24 ёшгача бўлган қисми тахминан 20 фоизни ташкил этади. Европа Иттифоқи мамлакатларида жойлаштириш (меҳмонхона) секторида ёшлар улуши 15 фоизга тенг. Иқтисодиётнинг туризм секторида, банд бўлганларнинг катта қисмини аёллар

¹¹⁰ <https://www.e-unwto.org/doi/abs/10.18111/wtobarometereng.2025.23.1.2>

ташкил этади. Иқтисодиётнинг номолиявий секторида аёллар улуши 36 фоизни ташкил этса, туризмда бу кўрсаткич 59 фоизга етади.

Ҳозирги вақтда туризм тармоғи чуқур ўзгаришларни бошдан кечирмоқда, бироқ иқтисодиётнинг айнан шу тармоғи бошқа соҳаларга қараганда тезроқ тикланиш хусусиятига эга. Буни дунёда юз берган ҳамда туризм соҳасига дахлдор бўлган сиёсий ва иқтисодий инқирозлар тажрибаси ҳам кўрсатади. Туризм тармоғида янги компетенцияларга эга бўлган мутахассисларга бўлган талаб доимий равишда ошиб бориши табиийдир. Шу боис ҳам дунёда туристик ташрифлар сони ўсишда давом этади, бунга мувофиқ равишда, жаҳон бўйлаб туризм соҳасидаги иш ўринлари сони ҳам кўпайиб боради. Натижада, вақт ўтиши билан туризм соҳасида билвосита банд бўлганлар улуши янада фаолроқ ортиб боради. Туризм тармоғига нафақат жаҳон иқтисодиётига салмоқли ҳисса қўшадиган, балки ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга, хусусан, аҳоли бандлигига улкан таъсир кўрсатадиган муҳим соҳа сифатида қараш лозим. Шу билан бирга, туризмдаги бандлик тузилмасини ҳисобга олиш ўта муҳимдир.

Туризм соҳасининг бандлик бозори бир қатор ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради, жумладан:

1. Инсон омили ва мулоқот. Туризмда хизматларни сотиш ва истеъмол қилиш жараёни бевосита инсоний мулоқотга асосланади. Бу эса ходимлардан нафақат касбий билим, балки юқори психологик тайёргарлик ва маданиятлараро мулоқот кўникмаларини талаб этади.

2. Мавсумийлик. Бошқа тармоқлардан фарқли ўлароқ, туризмда бандлик мавсумий тебранишларга жуда мойил.

3. Демографик таркиб. Туризм секторида аёллар (59%) ва ёшлар (15-24 ёшдагилар тахминан 20%) бандлик улуши иқтисодиётнинг бошқа тармоқларига нисбатан сезиларли даражада юқори.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, туризмнинг ривожланиши аҳолининг реал истеъмол даражаси билан узвий боғлиқ. Агар аҳоли истеъмоли 5% га ошса, туристик сафарлар сони 10% га ўсади.

Туризмнинг энг муҳим жиҳати унинг мультипликатив самарасидир. Битта чет эллик туристга хизмат кўрсатиш жараёнида турдош соҳаларда (транспорт, қишлоқ хўжалиги, алоқа, қурилиш) 9 тагача янги иш ўрни яратилиши мумкин. Аммо мазкур соҳа ходимларига бир неча талабалар ҳам қўйилади. Жумладан, стрессга чидамлилик ва вазминлик, чет тилларини мукамал билиш, фавқулодда вазиятларда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти, география, тарих, менежмент ва маркетинг соҳаларида чуқур билим ва кўникмага эга бўлиши каби.

Шуни ҳам айтиш мумкинки, туризм тармоғида янги компетенцияларга эга бўлган мутахассисларга бўлган талаб доимий равишда юзага келади. Дунёда туристик ташрифлар сони ўсишда давом этар экан, бунга мувофиқ равишда, жаҳон бўйлаб туризм соҳасидаги иш ўринлари сони ҳам кўпайиб бораверади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, вақт ўтиши билан туризм соҳасида билвосита банд бўлганлар улуши янада фаолроқ ортиб боради. Шубоис ҳам туризм тармоғига нафақат жаҳон иқтисодиётига салмоқли ҳисса

қўшадиган, балки ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларга, хусусан, аҳоли бандлигига улкан таъсир кўрсатадиган муҳим соҳа сифатида қараш ҳам ўринли саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Aynalem S., Kassegn B., Sewnet T. Employment Opportunities and Challenges in Tourism and Hospitality Sectors // Journal of Tourism&Hospitality. 2016. Vol. 05(06). P. 1-5.
2. World Travel tourism council. [Электронный ресурс]. URL: <https://wtcc.org> (дата обращения 18.11.2020).
3. Пирогова О.В., Пирогова А.Ю., Сорокин Г.Ю. ЗАНЯТОСТЬ НАСЕЛЕНИЯ В СФЕРЕ ТУРИЗМА // Вестник Алтайской академии экономики и права. 2020. № 12-3. С. 593-598.
4. UN Tourism (World Tourism Barometer, 2024).

Fayyoz XALIMOVA,
Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti,
“Turizm va mehmonxona biznesi” kafedrasida katta o‘qituvchisi, PhD

XALQARO TURIZM BOZORIDA EKOTIZIM XIZMATLARINI BOSHQARISH: EKOLOGIK BARQARORLIK VA RAQAMLI TRANSFORMATSIYA

Аннотация. Ushbu maqola xalqaro turizm bozorida ekoturizm xizmatlarini boshqarishning ilmiy-metodologik asoslarini tahlil qiladi. Tadqiqotda ekoturizm tushunchasining ta’rifi chegaralari, bozor dinamikasi va “Yashil turizm sukunati” hodisasining salbiy ta’siri ko’rib chiqilgan. Maqolada ekoturizmning uch asosiy elementi – moliyaviy integratsiya, mahalliy jamoalar bilan hamkorlik va chuqur ekologik ta’lim – konseptual jihatdan asoslangan. Raqamli texnologiyalar (IoT, sun’iy intellekt, blokchein, VR) ekoturizm barqarorligini ta’minlashda tutgan o’rni empirik ma’lumotlar asosida tahlil qilingan. O‘zbekiston uchun milliy barqarorlik sertifikatlash tizimini joriy etish bo‘yicha amaliy tavsiyalar ishlab chiqilgan.

Калит so‘zlar: ekoturizm, ekologik barqarorlik, yashil yuvish, raqamli transformatsiya, GSTC mezonlari, IoT, sun’iy intellekt, blokchein, barqaror sertifikatlash.

Аннотация. В данной статье анализируются научно-методологические основы управления услугами экотуризма на международном туристическом рынке. В исследовании рассматриваются понятийные границы концепции экотуризма, динамика рынка, а также негативное влияние феномена «молчания зелёного туризма». В статье концептуально обоснованы три ключевых элемента экотуризма: финансовая интеграция, сотрудничество с местными сообществами и углублённое экологическое образование. На основе эмпирических данных проанализирована роль цифровых технологий, включая IoT, искусственный интеллект, блокчейн и виртуальную реальность (VR), в обеспечении устойчивости экотуризма. Также разработаны практические рекомендации по внедрению национальной системы сертификации устойчивого развития в Узбекистане.

Ключевые слова: Экотуризм, экологическая устойчивость, гринвошинг, цифровая трансформация, критерии GSTC, IoT, искусственный интеллект, «blokchein», устойчивая сертификация.